

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 371.035:297

ЗАРИПОВА Гулбаҳор Комиловна

**НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ
ЎЗИГА ХОС ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2010

Тадқиқот иши Бухоро давлат университетида бажарилган

Илмий раҳбар: педагогика фанлари доктори, профессор
Адизов Бахтиёр Раҳмонович

Расмий оппонентлар: педагогика фанлари доктори, профессор
Мусурмонова Ойниса

филология фанлари доктори, профессор
Ҳаққулов Иброҳим Чориевич

Етакчи ташкилот: **Навоий давлат педагогика институти**

Ҳимоя 2010 йил „____“ _____ соат _____ да Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги К.067.18.03 - рақамли ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади. Манзил: 100070. Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй, тел.: (99871) 254-92-02, факс: (99871) 215-54-18, e-mail: tgpu_info@edu.uz

Диссертация билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (100003, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй)

Автореферат 2010 йил „____“ _____ да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби п.ф.н., доцент

Р. Г. Исянов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистоннинг ҳозирги тараққиёт босқичида мустақил, ҳуқуқий-демократик жамият қуриш йўлидан бораётган давлатимиз учун баркамол авлод тарбияси муаммолари устувор сиёсат даражасига кўтарилди. Бунда ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашда халқимизнинг асрлар давомида яратган бой маънавий мероси – умрбоқий қадриятлари ва анъаналаридан фойдаланиш муҳимдир. Истиқлол йўлидан бораётган республикамызда маънавий-ахлоқий, илмий-маърифий меросни халқимиз сидқу садоқат билан ўрганмоқда. Имом Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий, Ал-Фарғоний, Бурхониддин Марғиноний, Ал-Мотурудий, Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур, Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд каби улуғ шахсларнинг таваллуд кунларини мамлакатимизда, жаҳонда кенг нишонланишига, уларга бағишлаб зиёратгоҳларни тиклашга ҳамда уларнинг маънавий-илмий меросини ва асарларини нашр қилишга давлат миқёсида эътибор берилмоқда. Президент Ислом Каримов: „...амалга оширилган яна бир улкан ишимиз табаррук заминимизда туғилиб, вояга етган ва мангу ором топган буюк азиз-авлиёларимиз хотирасига ёдгорлик мажмуалари барпо этганимизда намоён бўлди. Жумладан, Бухорода Абдулҳолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд, Самарқандда Имом Бухорий ва Имом Мотуридий, Марғилонда Бурхониддин Марғиноний, Тошкент шаҳрида Ҳазрати Имом сингари ёдгорлик мажмуаларини яратдик. Халқимиз ҳаётида чуқур из қолдирган, бугунги кунда том маънода муқаддас зиёратгоҳларга айланган бундай мажмуалар маънавий оламимизни юксалтиришга улкан ҳисса бўлиб қўшилади, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади“¹, – деб бежиз айтмаганлар.

2004 йил 27 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг „Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида“ги Қарорида: „Ислом оламининг беназир намояндаси Баҳоуддин Нақшбанднинг жаҳон тафаккур хазинасига ва муқаддас динимиз ривожига қўшган улкан ҳиссасини инобатга олиб, унинг меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, эзгулик, маънавий комилликка чорловчи ғояларини ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига сингдириш...“²ни тадқиқотчилар олдида ижтимоий буюртма қилиб қўйди. Шу мақсадда Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси ҳузурида „Нақшбандия“ илмий Маркази ҳамда шу номдаги Бухоро миллий ва умуминсоний маданият халқ академияси ҳамда 2005 йилда Марказ ҳузурида „Тариқат зиёси“ телестудияси ташкил этилди. 2007 йилда аллома таваллудининг 689 йиллиги муносабати билан „Нақшбандия таълимоти ва замонамиз“ мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди. 2008 йилда устоз таваллудининг 690 йиллиги олдидан „Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти“ мавзусида ўқув семинари ўтказилди. Шунингдек, 2009 йилнинг 25 сентябрида Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази томонидан „Нақшбандия ва комил инсон тарбияси“ мавзусида анъанавий нақшбандияхонлик республика илмий-амалий анжумани ўтказилди. Интернетда

¹ Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият. 2008. – 176 б., 156-б.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг „Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида“ги 2004 йил 27 май Қарори. // Халқ сўзи, 2004., 28 май.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти, нақшбандия тариқати моҳияти, тарихи, Марказ фаолияти ҳақида маълумот берувчи махсус сайт очилди (www.naqshband.uz). Марказ айни пайтда нақшбандия таълимоти ҳақидаги маълумотларни акс эттирувчи мақола, рисола, китобларни чоп этмоқда. 2008 йилда „Нақшбандия“ илмий-ирфоний, адабий-маърифий журнаlining нишона сони чоп қилинди³, унинг таъсис этилиши эса тарихий, маданий, маънавий қадриятларимизга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигининг ифодасидир.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти АЙСЕКСО 2007 йилда Тошкент шаҳрини Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилди. Президент Ислом Каримов бу фактни ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи деб баҳолади.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузасида кириб келаётган янги – 2010 йилни „Баркамол авлод йили“ деб эълон қилди. Ислом Каримов мазкур маърузасида: „Маълумки, бугунги кунда фарзанларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар муҳотида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда“⁴, – деб таъкидлаши бежиз эмасдир.

Мустақиллик шароитида маънавий меросимизни миллий қадриятлар нуқтаи назаридангина ўрганиб қолмай, балки эндиликда таълим тизимини технологиялаштириш жиҳатидан ҳам унга эътибор беришимиз зарур. Педагогик технологиялар ҳақида фикр юритар эканмиз, педагогикада мутлақо янги технологиялар яратиш жуда камёб ҳодисадир, янги деб тавсия қилинаётган технологиялар аслида эски (унитилаёзган) технологияларнинг янги педагогик, ижтимоий, маърифий-маданий тараққиёт шароитида янгича талқин қилинишидир. Миллий меросга технология нуқтаи назаридан ёндашиш шуни кўрсатадики, унинг ахлоқий-технологик асоси: шахсга оғзаки – сўз билан таъсир қилиш, илм-фанни ихлос-этиқод билан ўрганиб, уни эгаллашга интилишда намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, мумтоз меросимизда ўзининг қатор ижобий томонлари билан ажралиб турувчи нақшбандия тариқати алоҳида ўрин эгаллайди. У ўзининг кишилар ҳаётига яқинлиги, халқчиллиги, уларни ҳалол ва фаол меҳнат қилиб кун кўришга чорлаши билан эътиборга лойиқдир. Унда қатор тариқатларда бўлганидек тиланчилик, тарки дунё қилиш билан умр ўтказиш эмас, балки ҳалол ва фаол яшаб, меҳнат қилиб кун кечириш тарғиб қилинади.

Нақшбандия тариқатининг инсонга таъсир қилувчи педагогик технологиялари тўғрисида фикр юритар эканмиз, таълим ислоҳоти педагогика фани олдида қўйган таълим-тарбия муаммоларини ечиш фақат илғор педагогик технологиялар асосида амалга оширилишини эътиборга олишимиз жоиз. Педагогик технология атамаси асримизда барча ривожланган мамлакатларнинг илм-фананда пайдо бўлиб, у тезда таълим соҳасида қўллана бошланди. Россиялик олимлар: В.Беспалько, И.Волков, М.Кларин, Ю.Кулюткин, И.Лернер, Б.Лихачев, В.Монахов, В.Сластенин, Н.Тализина, Л.Фридман, М.Чошанов, В.Юдин ва япон

³ // Нақшбандия. – Бухоро, 2008. Нишона сони. – Б. 38-39.

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустақкам пойдевордир. // „Ўзбекистон овози“. – Тошкент, 2009 йил, 6 декабр. – Б. 1-3.

педагог олими Т.Сакомотолар педагогик технология бўйича қатор тадқиқотлар ўтказганлар. Педагогик технологиялар бўйича бир неча ўнлаб ўзбек олимлари ҳам тадқиқот олиб борганлар. Булар: Н.Азизхўжаева, Б.Адилов, К.Зарипов, Х.Ибрагимов, М.Очилов, Н.Саидахмедов, Ў.Толипов ва бошқалардир. Бизнинг тадқиқотимизда педагогик технологияларнинг инсон руҳиятига тарбиявий таъсир қилувчи ўзига хос технологиялари ўрганилди. Педагогик технологияларга халқаро ЮНЕСКО ташкилоти берган таърифида: „Педагогик технология – бу, таълим шакллари оптималлаштириш мақсадида техник воситалар, инсон салоҳияти ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб, ўқитиш ва билим ўзлаштиришнинг барча жараёнларини аниқлаш, яратиш ва қўллашнинг тизимли методидир“⁵, – деб таъкидланади. Шундан келиб чиқиб, биз нақшбандия тариқатининг ўзига хос педагогик технологияси деганда, унинг шахсга таъсир кўрсатишда инсон руҳияти, ақл-заковати, ихлос ва имон-эътиқодига тарбиявий таъсир қилувчи усул ҳамда воситалар тизимини тушунамиз.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мустақиллик йилларида мумтоз меросимизни, жумладан, нақшбандия тариқатини ўрганиш борасида анча ишлар амалга оширилди. Шулар жумласига Азиз Қаюмов, Абдулғафур Раззоқ Бухорий, Абдулҳаким Жузжоний, Гулчеҳра Наврўзова, Иброҳим Ҳаққулов, Иззат Султон, Нажмиддин Комилов, Насафий (Евгений Березиков), Ориф Усмон, Ойниса Мусурмонова, Садриддин Салим Бухорий, Ҳомидхон Исломиёв ва бошқаларнинг ишларини кўрсатиш мумкин.

Тасаввуф ҳамда нақшбандия тариқатини тадқиқ қилишда рус шарқшунос, тасаввуфшунос оимларидан В.А.Гордлевский, А.А.Семёнов, О.Ф.Акимускин, Е.Э.Бертельс ва бошқаларнинг хизматлари катта.

Тасаввуф таълимоти, Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва тариқатини чет эл оимларидан инглиз тасаввуфшуноси Ж.С.Тримингэм, Англияда яшаб, ижод қилаётган нақшбандшунос Идрис Шох, туркиялик тасаввуфшунос, нақшбандшунос оимлар Маҳмуд Асъад Жўшон, Усмон Турар ва бошқалар тадқиқ қилганлар.

Таниқли тасаввуфшунос олим, профессор Н.Комиловнинг „Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи“, „Тасаввуф“ асарлари миллий тасаввуфшунослигимизда, жумладан, нақшбандияшуносликда ҳам муҳим тадқиқотлар сирасига киради.

Тасаввуфшунос олим Садриддин Салим Бухорий ўзининг „Буюк ғиждувонийлар“ китобида таъкидлаганидек: „...XXI асрга келиб ҳожагон нақшбандия тариқатига қизиқиш ортди. Ушбу таълимот муҳиблари нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам кундан кунга ортмоқда. Ҳозир кўпчилик Америка, Англия, Германия, Франция, Россия ва бошқа Европа мамлакатларида ҳожагон нақшбандия тариқатига кириб, бу тариқат одобига амал қилмоқда. Нақшбандия тариқатининг пири Ҳазрат Шайх Маҳмуд Асъад Жўшоннинг айтишича, айни шу кунларда Германия ва Англияда 50 мингдан зиёд нақшбандийлар бор. Бу тариқат таълимоти Европада назарий жиҳатдан ҳам чуқур тадқиқотларга сабаб бўлган. Немис, инглиз, француз тилларида қатор китоблар чоп этилган. Айниқса, Х.Алгар, И.Флетчер, М.Моле, М.Хартман, Х.Бевердиге, Б.Зуплер, Й.Грос, И.Триммингхам, А.Шиммель, Ю.Паул, А.Кюгелген каби оимларнинг бу борадаги хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур тадқиқотларда ислом дини,

⁵ Очилов Малла. Янги педагогик технологиялар. – Қарши: Насаф нашриёти, 2000. – 80 б., 11-б.

тариқатларнинг ижтимоий-ахлоқий фазилати, силсилаи шарифдан жой олган тариқат пирларининг фаолияти, кароматлари ҳар томонлама таҳлил қилинган... Европада мунтазам равишда чоп қилинаётган „Дер Моргенштерн“ („Тонг юлдузи“), „Суфизм“ каби журналларда тариқатга доир илмий мақолалар берилаётгани таҳсинга лойиқ⁶.

Нақшбандия таълимотини фалсафий жиҳатдан ўрганишда Г.Наврўзованинг „Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси“ мавзусидаги докторлик диссертацияси⁷, унинг атореферати⁸ ва шу мавзудаги монографиясида нақшбандия тариқатида таълим-тарбиянинг ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий томонларига алоҳида эътибор берилган. Шунингдек, олиманинг „Баҳоуддин Нақшбанд“ асарида⁹ Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўли, камолот даражаси, бунёдкор ғоялари ва мазкур таълимотга доир манбаалар таҳлил қилинган. Г.Наврўзова томонидан Баҳоуддин Нақшбанднинг Россия Фанлар Академиясининг Санкт-Петербург бўлимида сақланаётган „Аврод“ („Авроди баҳоия“)¹⁰ асарининг икки нусхасини топиб, уни таржима ва таҳлил қилиб, чоп эттириши нақшбандшуносликда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Рухшунос тадқиқотчи У.Қосимовнинг „Комил инсоннинг ижтимоий-психологик хусусиятлари“ (А.Ғиждувоний таълимоти асосида) ёзган диссертацияси¹¹ ва унинг аторефератида¹² хожагон, кейинчалик нақшбандия деб аталган тариқатда комил инсоннинг ижтимоий-психологик хусусиятлари тадқиқ қилинган.

К.Қиличеванинг „Баҳоуддин Нақшбанднинг таълимий-ахлоқий қарашлари“ мавзусидаги номзодлик (2004 й.)¹³ ишида нақшбандия тариқатининг умумий педагогик жиҳатлари ўрганилган. Шунингдек, мазкур тадқиқотчининг „Олий таълим тизимида тасаввуф таълимоти воситасида талабалар маънавиятини шакллантириш“ мавзусидаги докторлик диссертацияси¹⁴ ва унинг аторефератида¹⁵ (2009 й.), нақшбандия тариқатининг номзодлик ишида кўрсатилган ғоялари такрорланган ҳамда давом эттирилган ва тасаввуф таълимоти, жумладан, нақшбандия тариқати намояндалари: Баҳоуддин Нақшбанд, Шайх Хованд Тохур, Хожа Аҳрор Валийларнинг мероси воситасида талабалар маънавиятини шакллантиришнинг педагогик томонлари умумий тарзда тадқиқ қилинган.

Аммо нақшбандия тариқатининг ҳозирги даврда – таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш шароитида шахсга тарбиявий таъсир кўрсатишни осонлаштирувчи технологик томонларини ишлаб чиқиш тадқиқотчилар эътиборидан ҳамон четда қолмоқда. Шундан келиб чиқиб, биз

⁶ Бухорий, Садриддин Салим. Буюк ғиждувонийлар. – Бухоро: Бухоро. 2006. – 120 б. – Б. 41-42.

⁷ Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Фалс.ф.докт. дисс. – Тошкент: 2002. – 233 б.

⁸ Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Фалс.ф.докт. дисс... атореферати. – Тошкент: 2002. – 45 б.

⁹ Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанд. – Бухоро: Бухоро фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти. 2009. – 176 б.

¹⁰ Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод (авроди баҳоия). Г. Наврўзова таржимаси. – Бухоро: Бухоро нашриёти. 2000. – 40 б.

¹¹ Қосимов У.А. Комил инсоннинг ижтимоий – психологик хусусиятлари. (А.Ғиждувоний таълимоти асосида). Психол.ф.н.дисс... – Тошкент: 2004. – 188 б.

¹² Қосимов У.А. Комил инсоннинг ижтимоий – психологик хусусиятлари. (А.Ғиждувоний таълимоти асосида). Психол.ф.н.дисс... атореферати. – Тошкент: 2004. – 27 б.

¹³ Қиличева К.Ю. Баҳоуддин Нақшбанднинг таълимий-ахлоқий қарашлари. П.ф.н. дисс. – атореферати. – Тошкент: 2004. – 25 б.

¹⁴ Қиличева К.Ю. Олий таълим тизимида тасаввуф таълимоти воситасида талабалар маънавиятини шакллантириш. П.ф.докт. дисс... – Тошкент: 2009. – 263 б.

¹⁵ Қиличева К.Ю. Олий таълим тизимида тасаввуф таълимоти воситасида талабалар маънавиятини шакллантириш. П.ф.докт.дисс... атореферати. – Тошкент: 2009. – 47 б.

диссертациямиз мавзусини „Нақшбандия тариқатида таълим-тарбиянинг ўзига хос педагогик технологияси“ деб номладик.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 майда эълон қилган „Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида“ги Қарори ҳамда Бухоро ДУнинг „Талабаларни маънавий-маърифий руҳда тарбиялаш“ (2000-2010 йилларга мўлжалланган) илмий тадқиқот дастури йўналишида бажарилган.

Тадқиқот мақсади: нақшбандия тариқатининг ўзига хос педагогик технологияларини тадқиқ қилиш, ундаги таъсирчан усул ва воситаларни аниқлаш ҳамда уларни ҳозирги замон ёшлар таълим-тарбиясида қўллаш асосида илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

1. Мавзу мазмун ва моҳиятини ижтимоий-фалсафий, педагогик-психологик адабиётларда ўрганилганлик даражасини аниқлаш ва тадқиқотнинг илмий-назарий аппаратини ишлаб чиқиш.

2. Баҳоуддин Нақшбанд тариқати моҳиятини ижтимоий-педагогик нуқтаи назардан таҳлил қилиш ва унинг ҳозирги давр учун аҳамиятини далиллаш.

3. Тариқатдаги педагогик технологияларни аниқлаш ва уларни ҳозирги замон таълим-тарбиясида қўллашнинг ўзига хос усул ва воситаларини кўрсатиш.

4. Нақшбандия тариқатининг комил инсонни шакллантиришда амалиётга тадбиқ этиш йўллари аниқлаш, ўқитувчилар ва тарбиячилар учун тавсиялар ишлаб чиқиш.

5. Тадқиқот натижаларини мантикий ва математик-статистик таҳлил қилиш.

Тадқиқот объекти: нақшбандия тариқати.

Тадқиқот предмети: нақшбандия тариқатидаги шахсга тарбиявий таъсир кўрсатувчи ўзига хос педагогик технологиялар ҳамда уларнинг усул ва воситалари.

Тадқиқотнинг илмий фарази: нақшбандия тариқатида таълим-тарбиянинг ўзига хос педагогик технологияси аниқланса, унинг моҳиятини англаш ҳамда уни амалиётда қўллаш осонлашади, агарда:

– мумтоз меросимизнинг, жумладан, нақшбандия тариқатининг ёшларда миллий истиқлол ғоясини шакллантиришдаги роли ҳамда ёш авлод таълим-тарбиясидаги ўрни белгиланса;

– тариқатнинг ўзига хос ғоявий ва технологик асосларига эътибор билан ёндашилса;

– мазкур тариқатнинг инсон руҳий оламига ижобий таъсир қилишининг ўзига хос томонлари аниқланса;

– нақшбандия тариқатини ўрганиш-ўргатиш ва ташвиқот қилиш технологияси ишлаб чиқилса, уни ўрганиш ҳамда ўргатиш осонлашади, натижада ёшларни комил инсон қилиб тарбиялаш иши самарадор бўлади.

Тадқиқот методлари: тадқиқот мавзусига оид фалсафий, психологик, педагогик адабиётлар таҳлили; педагогик кузатиш, суҳбат, анкета, тажриба-синов ишлари ўтказиш, натижаларни математик-статистик таҳлил қилиш, умумлаштириш.

Тадқиқотнинг методологик асоси. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, „Таълим тўғрисида“ги Қонуни ва „Кадрлар тайёрлаш миллий

дастури“; Президент Ислом Каримовнинг миллий меросни ўрганишга доир нутқ ва асарлари; миллий истиқлол ғояси ва мумтоз меросимиз ҳамда ислом таълимотининг прогрессив ғоялари ва ислом динининг муқаддас китоблари; педагогика, психологиянинг инсон, унинг моҳияти ҳамда уни шакллантириш омиллари тўғрисидаги илмий назариялари.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

1. Нақшбандия тариқатининг ўзига хос педагогик технологияларини тадқиқ қилишнинг долзарблиги.
2. Нақшбандия тариқатининг миллий меросимиздаги ўрни, унда инсон камолоти ҳақидаги қарашлари, шахснинг ўз-ўзини зоҳирий ва ботиний такомиллаштиришида зикр ва суҳбат, сўз орқали (лисоний) тарбиявий таъсир қилиш усуллари.
3. Мазкур тариқатдан ҳозирги замон таълим-тарбиясида фойдаланиш шакллари, ўтказилган тажриба-синов ишларининг самарадорлиги.
4. Тадқиқот мазмунини умумлаштирувчи илмий хулоса ва тавсиялар.

Ишнинг илмий янгилиги:

1. Тадқиқотда нақшбандия тариқатининг ўзига хос педагогик технологияси аниқланди, уни ўрганиш долзарб педагогик муаммо эканлиги назарий ва амалий жиҳатдан асосланди.
2. Нақшбандия тариқати, уни мукамал сулук (йўл) сифатида ҳозирги замон таълим-тарбиясида педагогик технология тарзида қўллаш имкониятлари кўрсатилди.
3. Нақшбандия тариқатининг баркамол инсонни босқичма-босқич шакллантиришдаги ўзига хос томонлари очилди.
4. Нақшбандия тариқатида шогирд таълим-тарбиясида қўлланган таъсирчан усул ва воситалар аниқланди.
5. Ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашда нақшбандия таълимоти билан ҳозирги замон таълим-тарбия назарияси ва амалиёти ўзаро боғланди, уларни амалда қўллаш натижасида таълим-тарбиянинг самарадорлик даражаси ошганлиги кўрсатилди.
6. Ўтказилган тажриба-синов ишлари асосида ўқитувчи ва тарбиячилар учун тавсиялар ишлаб чиқилди, илмий-усулий қўлланма яратилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Нақшбандия тариқатининг кишига ижобий таъсир кўрсатувчи томонларини ҳозирги замон педагогикаси назариясига кўра баҳолаб, унинг ўзига хос педагогик технологиялари: тариқат қоидалари, зикр, суҳбат, сўз орқали инсонга зоҳирий ва ботиний тарбиявий таъсир қилиши илмий-назарий жиҳатдан асосланди. Нақшбандия тариқатининг бошқа тариқатлар орасида тутган ўрни, улардан фарқи, мазкур таълимотнинг назарий ва амалий аҳамияти кўрсатилди; нақшбандия тариқати амалиётга тадбиқ қилинди: бу таълимотдан маърузалар, амалий машғулотлар, суҳбатларда фойдаланилди; мазкур муаммо бўйича мақолалар, тезислар, қўлланма, рисола чоп этилди ва тариқатнинг педагогик технологияларини ҳозирги замон талаба шахсига ижобий тарбиявий таъсири тажриба-синов ишларида ўрганилди; уларни амалиётда қўллаш натижасида тарбиявий ишларнинг самарадорлик даражаси ошганлиги аниқланди. Ундан ёшлар таълим-тарбиясида, ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда, педагоглар малакасини оширишда фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилди.

Натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши. Илмий ишнинг асосий ғоялари ва мазмуни ҳар йили Бухоро ДУда ўтказиладиган профессор-

ўқитувчиларнинг анъанавий илмий-амалий ва назарий конференцияларида; вилоят, республика илмий-амалий семинарларида (маъруза ва тезис тарзида); илмий журналларда, тўпламларда эълон қилинган ишларда босқичма-босқич амалиётга жорий қилинди. Тажриба-синов ишлари Бухоро ДУ тарих ва ҳуқуқшунослик, педагогика ва психология, чет тили ва ўзбек филологияси факултетларида; Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти (кейинчалик – Бухоро ОО ва ЕСТИ) касб таълими факультетида; Ибн Сино номидаги Бухоро тиббиёт институти даволаш факультетида; Навоий ДПИ бошланғич таълим услуги, педагогика ва психология ҳамда ўзбек филологияси факултетларида; Қарши ДУ бошланғич таълим услуги, педагогика ва психология факултетларида; Низомий номи Тошкент ДПУ чет тили ва ўзбек филологияси факультети талабалари орасида (барча олий ўқув юртларининг 1-2-курс талабалари орасида) ҳамда ўқитувчи, гуруҳ раҳбарлари билан ўтказилди.

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси). Диссертациянинг асосий мазмун-моҳияти, илмий ва амалий натижалари Бухоро ОО ва ЕСТИда ўтказилган халқаро илмий-амалий анжуманда (2006 йил), Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежида ташкил этилган республика илмий-амалий анжуманида (2006 йил 17-18 май), Бухоро ДУ республика илмий-назарий ва амалий анжуманларида (2008 йил 27-28 май) қилинган маърузаларда, чоп этилган тезисларда, шунингдек, Бухоро ДУ ва Низомий номидаги Тошкент ДПУ илмий семинарларида муҳокамадан ўтди.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг мазмун ва моҳияти муаллифнинг чоп этилган 15 номдаги илмий ишларида: 1 та ўқув-услубий қўлланма, 1 та рисола, 7 та журнал мақоласи, 6 та тезисда ўз ифодасини топган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, 9 банд, умумий ҳулоса ва тавсиялар, 153 номдаги фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 151 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг биринчи боби „**Нақшбандия тариқатининг мумтоз меросимиздаги ўзига хос ғоявий – технологик асослари**“ деб номланиб, уч банддан иборат. Нақшбандия тариқати (йўли) мумтоз меросимизнинг тарихий-манتيкий давоми бўлганлиги учун ҳам диссертациянинг биринчи бобида унинг ғоявий ва технологик асосларига тўхталдик, унда ислом таълимоти, „Авесто“, Имом Бухорий ва Баҳоуддин Нақшбанд меросидан фойдаланиб, ёшларни имон-этиқодли қилиб тарбиялаш мумкинлиги таъкидланди. Бу манабаларда кўрсатилишича, инсон табиатан зоҳирий ва ботиний, моддий ва руҳий олам бирлигидан иборат бўлиб, у ўзи қиладиган ошкора амалларида ахлоқий меъёрларга: имон, ихлос, этиқодга суянади, кишиларда инсонийлик имондан бошланиши ва унга келиб тақалиши, ундаги эзгу фазилатлар имонли қалб майдонида кўкариши таъкидланган. Шунингдек, инсонларда имоннинг шаклланишида сўз муҳим рол ўйнаши, бунда шахснинг ширинсуханлик билан ўз фикрини чиройли ва ишонч билан айтиши ҳар қандай таълимотни, жумладан, нақшбандия тариқатини ҳам кишиларга сингдиришнинг асоси эканлиги кўрсатилди. Бунда инсоннинг сўз бойлиги, унга бўлган қобилияти муҳимдир. Президент Ислом Каримов: „Ҳар қайси инсон Оллоҳ таоло ато этган ноёб қобилият ва истеъдодини аввало ўзи учун, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги, бахт-саодати, манфаати учун

тўлиқ бахшида этса, бундай жамият шу қадар кучли тараққиётга эришадики, унинг суръат ва самарасини ҳатто тасаввур қилиш ҳам осон эмас¹⁶, – деб бежиз айтмаган.

Нақшбандия тариқати инсонларни ахлоқли, одобли, меҳр-мурувватли бўлишга, ҳалол яшаш ва меҳнат қилишга ундайди. Нақшбандия тариқатининг марказида инсон, унинг ҳаёт тарзи, ғоявий етуклиги ва ахлоқий поклиги туради. Унинг ғоявий асосини эса ихлос ҳамда имон-эътиқод ташкил қилади. Бунинг учун манба ислом ва нақшбандия таълимотлари бўлиб ҳисобланади. Унинг меъёр-мезони, эталони жамият қонун-қоидаларидир. Технологиялари эса тариқат қоидалари, зикр (такрорлаш) ва суҳбат, шахсга сўз орқали таъсир қилишдир (қаранг: 1-расм).



1-расм. Нақшбандия тариқатининг ғоявий-технологик асослари

Нақшбандия таълимотида тарбияни субъект ва объект тарзида амалга ошириш жиҳатидан ёндашадиган бўлсак, унда жуда ихчам, арзон, ташкилий томондан қулай усул, восита ва методлар мавжудлигини кўрамыз.

Мазкур бобда нақшбандия тариқатида таълим-тарбияни ташкил қилишнинг ўзига хос томонлари очиб берилди. Бу таълимотда шариат талабларини бажариш кишига тазйиқ асосида эмас, балки унинг ички эҳтиёжи, виждон амри билан амалга ошириш шартлиги кўрсатилган. Бунда шахснинг ўз-ўзини тартибга солиши, хулқ-атворини назорат қилиши муҳимдир. Мазкур бобда нақшбандия тариқатининг ижтимоий моҳияти очиб берилган: „Нақшбандия тариқати ўзининг моҳияти, диний-фалсафий ғояларининг теранлиги, мусулмон мамлакатларидаги ижтимоий фикрга кўрсатган таъсири жиҳатидан тасаввуф фалсафасининг бошқа кўринишларидан устун туради. Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида асосий ўрин тутган ғоя – кишиларни ҳалол меҳнат қилишга, ҳунар ўрганишга, ўз меҳнати мевасидангина баҳраманд бўлишга чақиришдир¹⁷, – дейди таниқли тасаввуфшунос олим Ориф Усмон. Нақшбандия тариқатининг ижтимоий аҳамияти яна шундаки, у кишиларнинг ҳаёт тарзига яқин, халқчил ва оммабоп бўлиб, „Даст ба кору дил ба Ёр“ („Қўлинг ишда бўлсин, дилинг Аллоҳда“) мазкур тариқатнинг ижтимоий моҳиятини ташкил қилади.

Диссертациянинг иккинчи боби „Нақшбандия тариқатида таълим-тарбиянинг ўзига хос педагогик технологияси“ деб номланиб, мазкур бобда нақшбандия тариқатининг бошқа тариқатлардан фарқи ва унда инсон камолоти технологияси ёритилди. Тасаввуф таълимоти асрлар давомида босқичма-босқич ривожланиб, нуқул диний-ахлоқий талқинда бўлиб қолмай, балки у илмий-фалсафий, рухий-психологик, бадий-поэтик жиҳатдан ҳам бойиди. Тасаввуфда

¹⁶ Баркамол авлод орзуси. // Тузувчилар: Ш.Қурбонов, Ҳ.Саидов, Р.Аҳлиддинов. – Тўлдирилган 2- нашри. – Тошкент: „Ўзбекистон миллий энциклопедияси“ Давлат илмий нашриёти, 2000. – 248 б., 201-б.

¹⁷ Ориф Усмон. Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида. – Тошкент: Университет. 1993. – 36 б., 6-б.

„Шариат“, „Тариқат“, „Маърифат“, „Ҳақиқат“ деган тўрт катта босқич юзага келиб, булар ёрдамида солиқ (шогирд) маънавий комилликка эришади¹⁸. „Тариқат“ сўзининг маъноси „йўл“ демакдир, яъни илоҳий маърифатни эгаллашга бел боғлаган кишининг руҳий-ахлоқий камолот йўлидир. Шу асосда қатор тариқатлар: қодирия, яссавия, хилватия, рифоия, мавлавия, шозалия, саъдия, дасукия, бадавия, акбария, сухровардия, кубравия, мадания, чиштия (чаштия), байрамия, нақшбандия тариқатлари ва уларнинг асосчилари номлари келтирилиб, нақшбандия тариқати моҳиятини тушуниш учун Жалолиддин Румий асос солган мавлавия, Аҳмад Яссавий асос солган яссавия, шайх Нажмиддин Кубро асос солган кубравия тариқатларига алоҳида тавсиф берилди, мазкур тариқатлардан нақшбандия тариқати ўз моҳияти билан катта фарқ қилиши кўрсатилди.

Нақшбандия тариқатининг бошқа тариқатлардан ажралиб турадиган фарқли томонлари қуйидагилардир: 1) унинг халқчил, инсонпарварлик характери, халқ ва жамиятдан ажралмаган ҳолда рашҳаларни (қоидаларни) бажо келтириб, мақсадга етишиш мумкинлигини амалда кўрсатиши; 2) узлатнинг ўзига хос ечимини топганлиги; 3) хуфия зикри орқали рашҳаларни кучайтириши; 4) мақсадга етишишда „сахв“ (хушлилик) ва „суҳра“ (беҳудлик) йўли орқали бориши; 5) ўзига хос таълимий ва тарбиявий технологияга эга эканлиги; 6) Баҳоуддин Нақшбанд тариқатининг рашҳалари ҳамда унинг „Аврод“идир.

Нақшбандия тариқатида устоз-шогирд муносабатлари демократик тамойилларга асосланган, яъни бу тариқатда муриднинг эркинлиги руҳий эркинлик бўлиб, уни фақат бир шайхга муте қилиб қўймайди, балки у ўз ихтиёри билан пиру муридни танлай олган, яъни ўз хоҳишига кўра бошқа пирга шогирд тушган.

Баҳоуддин Нақшбанд илк болалигиданоқ Бобойи Самосий назарига тушганлар. У кишига Саййид Амир Кулол, Ориф Деггароний, Ҳалил Ота, Қусам Шайх, Баҳоуддин Қишлоқийлар устозлик қилганлар. Шунингдек, у кишига Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг руҳлари хуфия зикридан таълим-тарбия берганлар, шунинг учун ҳам Баҳоуддин Нақшбанд увайсийдирлар.

Устоз-шогирд муносабатлари узок тарихга эга бўлиб, шу туфайли жаҳон фани ва маданиятига тамал тошлар қўйган буюк сиймолар: Абу Али ибн Сино, Улуғбек, Форобий, Беруний, Имом Бухорий, Абу Ҳомид Ғаззолийлар етишиб чиқиб, улар устоз-шогирд муносабатларининг ғоявий-ахлоқий асосларини ишлаб чиққанлар. Баҳоуддин Нақшбанднинг устоз-шогирд муносабатларини оддий муридликдан бошлаб, токи авлиё ва пайғамбар Муҳаммад с.а.в.га зоҳиран ва ботинан яқинлашган йўллари – силсиласини билиш ҳам муҳимдир (бу диссертациянинг 6-иловасида келтирилган). Бу тариқатлар тарихида „силсилаи шариф“ ёки „силсилату-з – заҳаб“ (олтин силсила) деб юритилади (бу диссертациянинг 5-иловасида келтирилган). Нақшбандия тариқатида устоз-шогирд муносабатларига муридни тарбиялашнинг муҳим воситаси сифатида қаралади. Баҳоуддин Нақшбанд айтар эдилар: „Бу йўлдан юргувчиларга илтижо (ниёз), ўзни хор тутиш... ва олий ҳиммат керак... биз нимани топган бўлсак, шундан топдик“¹⁹. Баҳоуддин Нақшбанд ўз муридларига қатор талаблар қўяр эдилар: тариқат йўлини танлаган киши ўз нафсини тия олиши керак: „Шу йўл билан мурид ҳақиқий мурид инояти орқали ахлоқни ҳамда ёқимсиз феълларини ўзгартириши билан

¹⁸ Ҳаққулов И. Мерос ва моҳият. – Тошкент: Маънавият. 2008. – 208 б., 24-б.

¹⁹ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балоғардон. – Тошкент: Ёзувчи. 1993. – 208 б., 74-б.

нафсига қарши кураша олади“²⁰. Нақшбандия тариқатида муридга кўйиладиган энг муҳим талаб: тавфиқ, қаноат, сабр, ўз нафси ёмонлигини билиш, унинг ҳийла-найрангларини англаш орқали шукр қилувчи банда бўлишдир²¹.

Нақшбандия тариқатини шогирдга ўргатишда, муридни тариқат йўли билан босқичма-босқич таништиришда маълум бир методика, яъни технология мавжудлигини пайқаймиз. Бунда муршид муридга ўз шахсий ибрат-намунаси, ахлоқ-одоби, билими орқали таъсир қилган, мурид ҳам ақл-заковати, иродасини ишга солиб, ўз пирининг кўрсатмаларини тўла бажарган. Шогирдни тариқатга ўргатиш уни руҳий тайёрлаш – кўниктириш, тартиб-интизомга ўргатишдан бошланган, бунда суҳбат катта рол ўйнаган. Хожа айтар эдилар: „Бизнинг тариқамиз жаҳрия зикри-ю рақс эмас, бизнинг тариқамиз анжуманда хилват, ватанда сафардир. Хилватда шуҳрат бор, шуҳрат эса офатдир. Жамъиятда хайрият бўлади, жамъият эса суҳбатда бўлади. Агар бу йўл толибларидан бир гуруҳи бир-бировлари билан ҳамсуҳбат бўлсалар, бу суҳбатда хайру барака кўп бўлади“²².

Нақшбандия тариқатини ўрганиш ва ўргатиш технологияси устоз-шогирдликка (пир-муридликка) асосланиб, пир шахси, усул ва воситалари: каромат (башорат қилиш, олдиндан кўра билиш), нафсни сўндириш усуллари, муриднинг ҳолатини мунтазам кузатиш ва тузатиш, суҳбат ҳисобланган. Муридга талаблар босқичма-босқич ошириб борилган, бу мурид иродасини шакллантирган, уларни маънавий бой, комил инсон қилиб тарбиялашда муҳим рол ўйнаган. Баҳоуддин Нақшбанд шу усул ва воситалардан фойдаланиб, Алоуддин Аттор, Хожа Муҳаммад Порсо, Яъқуб Чархий, Алоуддин Ғиждувоний, Сирожиддин Кулол Пирмасий каби қатор шогирдларни тарбиялаганлар, кейинчалик улар нақшбандия тариқатини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Бу бобда хожагон, кейинчалик нақшбандия, деб аталган тариқат рашҳалари (қоидалари) баён қилинди, унинг дастлабки тўрт рашҳасини Абу Юсуф Ҳамадоний (милодий 1048-1141 йилларда яшаб, 93 ёшда вафот этганлар, у кишининг насабномалари шажараси диссертациянинг 7-иловасида келтирилди) яратганлар, булар: 1. „Хуш дар дам“ (ҳар нафасда хушёрлик), 2. „Назар бар қадам“ (назарни қадамдан узмаслик), 3. „Сафар дар ватан“ (ватан ичра ботиний сафар), 4. „Хилват дар анжуман“ дир (мажлисда хилватда бўлишдир).

Юсуф Ҳамадонийнинг шогирди Абдулҳолик Ғиждувоний (милодий 1103-1179 йилларда яшаб, 76 ёшда вафот этганлар) нақшбандия тариқатнинг асосчиси сифатида юқорида кўрсатилган тўрт рашҳани яна ўзининг тўрт рашҳаси билан бойитди, булар: 5. „Ёд кард“ (ёдлаш), 6. „Бозгашт“ (ибтидога қайтиш, такрорлаш), 7. „Нигоҳдошт“ (эсда сақлаш), 8. „Ёддошт“ дир (ёдда сақлаш, зикр этишдир).

Баҳоуддин Нақшбанднинг исмлари Муҳаммад ибн Муҳаммад Жалолиддин бўлиб, Баҳоуддин Нақшбанд номи у кишининг ҳаётий фазилатларига ишорадир. Баҳоуддин Нақшбанд (милодий 1318-1389 йилларда яшаб, 71 ёшда вафот этганлар) насабномалари шажарасини ўрганиб, уни диссертациянинг 8-9-иловаларида келтирдик. Баҳоуддин Нақшбанд хожагон таълимотини янада бойитди, унга яна учта қоида қўшиб, уни мукаммал тариқат (сулук) даражасига етказди, бу рашҳалар: 9. „Вукуфи замоний“ (замондан огоҳ бўлиш), 10. „Вукуфи ададий“ (сон-

²⁰ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балоғардон. –Тошкент: Ёзувчи. 1993. – 208 б., 74-б.

²¹ Ҳаққулов И. Мерос ва моҳият. – Тошкент: Маънавият. 2008. – 208 б., 35-б.

²² Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балоғардон. –Тошкент: Ёзувчи. 1993. – 208 б., 77-б.

санокқа риоя қилиш), 11. „Вукуфи қалбий“ дир (қалб ҳолатидан огоҳ бўлишдир).

Мазкур тариқат рашҳаларини ўзлаштиришда кишининг онгли иродавий тиришқоқлиги ва унга қатъият билан киришиши муҳимдир. Бунинг натижасида шахсда руҳий тетиклик, ўзига ишонч ҳосил бўлади. Натижада у ҳар бир ишни ишонч-эътиқод билан ўз ҳаракатларини ортиқча эҳтиросларсиз бажаради, маънавий покланиш натижасида унда руҳий мувозанат ҳосил бўлади ва оқибатда тариқатга амал қилувчилар ўз шахсларини тарбиялай оладилар.

Комил инсон ғояси инсониятнинг асрий орзуси бўлиб, уни комиллик даражасига етказиш учун қатор омиллар муҳим рол ўйнайди. Булар: ижтимоий муҳит, таълим-тарбия, кишининг ички-туғма имкониятлари, одамнинг ўз фаоллиги кабилардир. Инсон руҳияти билан иш кўрганда, аввало, шахснинг таркибий қисмлари – тузилишини ўрганмоқ жоиз. Шахс тузилишида онгли, оқилона хусусиятларгина бўлмай, балки унда онгсиз, онг ости психик томонлар ҳам мавжуддир. Шуниси ҳам борки, шахс тузилишида онгсизлик каттагина ўрин тутати. У инсоннинг онглилик ва онг остилик томонларидан анча қадимий бўлиб, одам психикасида онг ва онг ости томонлар умуман бўлмаган даврлар бўлган, онг ва онг ости томонлар шахснинг филогенетик (одамзод авлодининг ижтимоий жамиятлардаги психик тараққиёти) ва онтогенетик (биргина инсон ҳаёти давомида психиканинг тараққиёти) ривожланиш босқичларида кейинчалик пайдо бўлган. Ҳаётнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси: юксак маданият, яхши овқатланиш, тиббий томондан ҳимояланганлик, интеллекти юқори одамлар муҳитида ҳамда фан-техника ривожланган даврда яшаш индивиднинг (одамнинг, шахснинг) онтогенетик тараққиётига ижобий ва баракали таъсир қилади. Шахс онгли хилқат, аммо у онгсизлик, онг остилик (автоматлашган ҳаракатлари-одатлари, яъни стереотиплари) томонлари билан янада бойийди ва тўлақонли индивид бўлади, шахс тузилишидаги ушбу томонлар ҳам унинг учун жуда зарур ва фойдалидир. Онг функцияси (вазифаси) сусайганда, тормозланганида идрок, хотира, тафаккур, тасаввур, ҳаёл қилиш жараёнлари бўшаганида инсонда онгсизлик ғалаба қилади, инсон бу ҳолатида дам олади. Мақсадга кўра идрок, хотира, тафаккур, тасаввур, ижодий ҳаёл, иродавий зўр беришлар инсондан онглиликни ва ихтиёрий диққат билан ишлашни талаб қилади, бу ҳолатда инсон психикаси зўриқади, оқибатда шахс жисмоний, ақлий ва руҳий жиҳатдан толиқади. Ихтиёрий диққатдан кейинги диққат, яъни мувофиқлаштирилган иштиёқли диққатни талаб қиладиган ҳаракатларда эса онглилик сусайиб, онг остки психик ҳолатлар актуаллашади (фаоллашади), бу онглилик ва онгсизлик орасидаги руҳий бир ҳолат бўлиб, у одамга ҳузур бағишлайди, уни кўп чарчатмайди. Нақшбандия таълимотини ўрганар эканмиз, мазкур тариқат пирлари инсоннинг онгсизлик ҳолатига кириши ва ундан баҳра олишининг оддий, аммо самарали йўлини кўрсатиб берганликларини англаймиз. Нақшбандия тариқати инсоннинг ўз маънавий ва жисмоний имкониятларини муштаракликда эзгуликка хизмат қилишга ундайди. Нақшбандия тариқати рашҳалари ёш авлодда ижобий ахлоқий сифатларни шакллантиришнинг тренинг-машқлари бўлиб, бунинг натижасида шогирд ўз-ўзини кузатиб, таҳлил қилиб ва ўз-ўзини тушуниши, ўзига тўғри баҳо бериши орқали у комил шахс бўлиб етишади. Бунда устоз-шогирд муносабатлари интеракцияси (ўзаро таъсири) муҳимдир.

Нақшбандия тариқатининг қоидалари амалиётга жорий қилинса,

замонамиз ёшлари баркамол шахс бўлиб етишади, жумладан:

„Хуш дар дам“ қоидаси ёшларни уларнинг ҳар бир нафасида хушёр бўлишга ўзининг мақсад йўлидан адашмасликка чақиради, ўзлигини англашга, ўз фаолиятини огоҳлик билан бошқаришига ундайди.

„Назар бар кадам“ қоидаси ёш авлодни ўзининг ҳар бир қадамини кузатиб, олий мақсад сари ирода ва ишонч билан интилишга, салбий таъсирларга берилмасликка, ҳар бир босган қадами фойдалими ёки зарарли эканлигини англаб, тўғри йўлдан бориб, фаол яшашга чақиради.

„Сафар дар ватан“ рашҳаси инсоннинг ботинига сафари бўлиб, у ёш авлод онгига сингдирилса, улар ўзларининг ички рухий оламига сафар қилиб, ўзлигини англаб, уни оқилона баҳолайди, натижада ўзидаги салбий ахлоқий хусусиятлардан қутулиб, унинг ўрнига ижобий фазилатларни шакллантиради, комилликка эришади.

„Хилват дар анжуман“ қоидаси инсонни зоҳиран халқ билан ботинан Ҳақ ёди билан яшашга ундайди. Бу қоидага риоя қилган ёшлар ўз мажбуриятларини садоқат билан бажаради, худбинликдан йироқ бўлиб, қилаётган ишлари бошқалар манфаатига зарар етказишидан сақланади. У фаол яшайди, ўқийди, ижод қилади. Унга таркидунёчилик бегона бўлиб, „Даст ба кору дил ба Ёр“ шиорига риоя қилиб, покиза, ҳалол яшайди ва натижада у баркамол бўлади.

„Ёд кард“ Ҳақни эслаш, зикр этиш бўлиб, бу қоида тил зикридан узоқ такрорлаш натижасида қалб зикрига ўтишдир, яъни қалбий зикрдир. Ёшлар ушбу қоидага риоя қилса, у ўзини нималарга қодирлигини англайди: илм-фанни, ўз лаёқатига муносиб касб-хунарни эгаллайди ва натижада жамият учун фойдали шахс бўлади.

„Бозгашт“ ибтидога қайтиш, яъни бошдан қайта такрорлашдир. Бу қоида инсонни ўз мақсадларига етиш учун бошдан бошлаб қайта такрорлашга ундайди, шундагина зикр покланиб, кўзланган мақсадга эришилади. У ёшларни қийинчиликлардан кўркмасдан, зоҳиран касб-хунар ўрганишга, ҳаётий тажрибалар орттиришга, ботинан эса ҳалол, имон-эътиқодли бўлиб яшашига ёрдам беради.

„Нигоҳдошт“ эсда сақлаш, қалб ва хотирани кузатиш бўлиб, зоҳирий томондан шахснинг ўз олдида қўйган мақсадига етиш учун муттасил интилишида намоён бўлади. Бунга амал қилган ёшлар ботиний жиҳатдан баркамол бўлиш учун ўз руҳиятини покллайди, онгини, диққат-эътиборини мақсадга қаратади, уни доимий онг назоратида тутати ва оқибатда мукаммалик даражасига етади.

„Ёддошт“ ёдда, хотирада сақлаш бўлиб, бу қоида ёшларни Ҳақ олдида, бошқалар назарида ва ўз виждони олдида ҳам ўзини зоҳиран ва ботинан ҳалол, пок сақлаб, сабр-тоқат билан оқилона яшашга ўргатади, натижада улар комилликка эришади.

„Вуқуфи замоний“ қоидаси инсонни ҳар бир лаҳзадан, замондан огоҳ бўлиб, ўз умрининг ҳар бир сониясини қай тарзда ўтказаяётганлигини: эзгу ишлар қилибми, гуноҳ ишлар билан ўтказаяптими – шукур вақтими, узр вақтими у шуларни таҳлил қилиб, ёмонликлардан сақланиб, яхшиликларга интилиб яшайди, бу қоидани билган ёшлар вақтнинг, ўз умрининг қадрига етади, комил шахс сифатида юксалади.

„Вуқуфи ададий“ зокирнинг зикр жараёнида сон-санокка, ададга риоя қилишидир. Баҳоуддин Нақшбанд айтганларидек, зикр асносида ададга риоя қилиш зокирни паришонхотирликдан сақлайди, оқибатда зикр самарадор бўлади ва шогирд илм-фанни, касб-хунарни пухта эгаллайди ҳамда у шахс сифатида етук инсон бўлади.

„Вуқуфи қалбий“ қоидаси инсоннинг Ҳақ таолодан ҳамда ўз қалби ҳолатидан

огоҳлигидир, зокирнинг зикр қилишдан мақсади ҳам „Вукуфи қалбий“га эришишдир. Бу қоидага риоя қилган ёшлар ўз қалби ҳолатидан огоҳ бўлиб, Аллоҳни, Ватанини, халқини, ота-онасини, оиласини севади ва уларнинг бахт-иқболи учун курашадиган, фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлган етук шахс бўлиб шаклланади.

Нақшбандия тариқатининг қоидалари унинг „Даст ба кору дил ба Ёр“ шиорига асосланади, мазкур ғояси уларнинг мазмун-моҳиятига сингдирилган.

Нақшбандия таълимоти комил инсонни тарбиялашнинг самарадор йўли бўлиб, у жаҳонга кенг тарқалган тариқатлардандир. Буюк шайх Баҳоуддин Нақшбанд умр бўйи ихтиёрий факрликда яшаганлар. Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёти ва ижоди баркамол авлодни тарбиялаш учун муносиб эталондир. Нақшбандия таълимотининг аҳамияти замон ва макон танламаслигининг сири ҳам шундадир.

Шундай қилиб, нақшбандия тариқати рашҳалари педагогик технология тарзида амалиётда қўлланса, ёшларни баркамол қилиб тарбиялаш самарадор бўлади.

Диссертациянинг учинчи боби: „**Нақшбандия тариқатининг инсонга таъсир кўрсатиш усуллари**“ бўлиб, бунда зикр ва суҳбат ҳамда Баҳоуддин Нақшбанд „Аврод“лари нақшбандия тариқатида муридни тарбиялашнинг ўзига хос усуллари эканлиги тадқиқ қилинди.

Нақшбандия тариқатининг инсонга таъсир кўрсатиш усуллари зикр ва суҳбат ташкил қилади. Зикр икки хил бўлади: алония зикри (ошкора зикр) ва хуфия зикри (ички зикр). Нақшбандия тариқати хуфия зикрига асосланган. Зикр машқлар тизими бўлиб, унинг мустаҳкамлик даражаси пир-муриднинг суҳбатларида аниқланган, шунга кўра муридга тарбиявий таъсир қилиш усуллари қўлланилган. Бунда суҳбат коррекцион-тузатиш вазифасини бажарган, зикр билан суҳбат кетма-кет алмашинган. Нақшбандия тариқатида суҳбат ва хуфия зикри унинг рашҳаларини тўлдирган. Суҳбат рашҳаларга нисбатан умумлаштирувчи, хуфия зикрни кучайтирувчи бўлиб, у „анжуман ичра хилват“ талабига мос келади, зикрни тўлдириб, ўзаро мулоқотда унинг камчиликларини бартараф қилади.

Ўтмишда кўпгина машҳур шайхларнинг ўз „Аврод“лари бўлган. Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳам ўз „Аврод“лари бизгача етиб келган²³. „Аврод“ сўфиёна дуолар тўплами, вирд (дуо) сўзининг кўпликда келишидир. Баҳоуддин Нақшбанд бу асарида инсон мавжудодлар ичида энг мукамал қилиб яратилгани, шунинг учун ҳам у гўзал фазилатлар ва чиройли ахлоқ соҳиби бўлиши кераклигини баён қилган. Баҳоуддин Нақшбанднинг „Аврод“ асарининг „Вирди Кабир“, „Вирди Нақшбанд“ нусхалари мавжуд, уларга ёзилган шарҳлар ҳам сақланган²⁴.

Мазкур бобда нақшбандия тариқатида шахсни зоҳирий ва ботиний тарбиялаш усуллари, унда инсоннинг ташқи ва ички уйғунлигининг муҳимлиги кўрсатилган. Зоҳирий ва ботиний поклик: кўзни ҳаромни кўришдан, қулоқни ҳаромни эшитишдан, оёқни ҳаром жойларга боришдан сақлайди. Пок қалбда эзгулик, гўзаллик, сахийлик ўрнашиб, унда ҳасадга, нафсга ружу қўйиш каби ёмонликларга ўрин қолмайди. Зоҳирий ва ботиний поклик имон-этикодда ўз ифодасини топади. Баҳоуддин Нақшбанд айтар эдилар: „Солик балоғатга

²³ Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Фан. 2005. – 236 б., 77-б.

²⁴ Ўша жой, 83-б.

(камолга) етгандан кейин дил ва тил ўртасида фарқи қолмайди, яъни ташқаридаги машғуллик ботин амалларга тўсиқ бўлолмайди, ботин амалига зоҳир машғулотида ҳижоб юзланмайди... Солиқнинг балоғати шундан иборатки, фано унга тасарруф қилган ва жазба мақомига... етган бўлади²⁵.

Мазкур тариқатда мурид шахсини зоҳирий ва ботиний томонларини тарбиялаш усулларида пир мурид билан суҳбат ўтказишида сўзнинг (лисоний) таъсир кучидан ўринли фойдаланганлар. Бунда пирнинг муридга мукаммал шахс сифатида ибрат-намуна кўрсатиши, шогирдни кузатиши ва у йўл қўйган хатокамчиликларни ўзаро ҳамкорликда тузатиши муҳим бўлган. Ушбу тариқатда пир-мурид муносабатлари педагогик-психологик жиҳатдан объект-субъект тарзида бўлган. Бунда объект ҳам, субъект ҳам фаол бўлган. Томонлардан бирининг фаоллиги камайса, таълим-тарбия жараёни самарадор бўлмайди. Пир муридни тарбиялашда педагогик технологияларнинг ҳозирда кашф қилинган интерфаол усулларида интуитив тарзда фойдаланганлар. Пир муриднинг зоҳирий ва ботиний томонларини тарбиялаши орқали унинг мақсадга йўналтирилган фаоллиги ошган. Бу хил таълим-тарбия таъсирида шогирд комилликка эришган.

Юқоридагилардан кўринадик, муридни тариқатнинг комил пири қилиб тарбиялашда нақшбандия тариқатида бир қатор усул ва воситалар қўлланилган. Бунда тариқат рашҳалари, шогирдга сўз орқали (лисоний) таъсир қилиш, хуфий зикри, суҳбат ва Баҳоуддин Нақшбанд „Аврод“лари яхлитликда қўлланилган, яъни муридни тарбиялашда комплекс ёндашиш асосида – бутун усул ва воситалар имкониятларидан моҳирона фойдаланганлар. Восита ҳамда усулларнинг бирлиги муриднинг зоҳирий ва ботиний жиҳатдан етуклигини таъминлаган, уни комилликка етаклаган (қаранг: 2-расм).

Тадқиқотнинг яқунловчи қисмида нақшбандия тариқати ва ҳозирги замон масалалари ёритилди, унда И.П.Павлов²⁶, П.К.Анохинларнинг²⁷ олий нерв фаолияти ва инсоннинг ўз-ўзини идора қилиши ҳақидаги таълимотлари нуқтаи назаридан нақшбандия тариқатининг педагогик технологиясига таҳлил берилди. Инсоннинг зоҳирий жиҳатлари (экзопсихикаси – ташқи психикаси) унинг ижтимоий фаолиятида (иш, муомала, мулоқотида) кўринад, у ўз хулқ-атворини, „мен“лигини англаб, уни тўғри баҳолаб ўз-ўзини маънавий баркамол қилади. Шахснинг ботиний жиҳатлари эса унинг эндопсихик (ички психик) хусусиятлари: унинг фаҳм-фаросати, идрок ва тафаккури, хаёл ва тасаввурида намоён бўлади. Инсон ўзининг ички ва ташқи ҳолатларини таҳлил қилиб, уларни тузатиб, ўзининг рухий, жисмоний ҳамда ахлоқий такомиллашувига эришади.


Мазкур тариқат раҳнамолари инсон психикасининг ички рухий фаоллигидан фойдаланиб, тариқат рашҳалари, хуфий зикри, суҳбат, пир маслаҳатлари асосида уни бошқаришга, фаоллаштиришга эришишнинг эмпирик (тажриба) усулларини ишлаб чиққанлар. Аутоген машқлар (ўз-ўзини машқ қилдириш) орқали солиқ ўз диққатини бошқаришга ўрганади. Хуфий зикри, „аврод“ ва „вирд“ларга иштиёқ ҳолатини яратиш учун пир сўз орқали (лисоний) муридга таъсир қилиб, унга

²⁵ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. – Тошкент: Ёзувчи. 1993. – 208 б., 88-б.

²⁶ Павлов И.П. Лекции о работе больших полушарий головного мозга. Полн.собр.соч. 2-изд. IV том. Издательство АН СССР: – М.: 1951.

²⁷ Анохин П.К. Узловые вопросы теории функциональных систем. – М.: Наука. 1980. – 372 с.

зарур кўрсатмалар берган. Мурид тана мушаклари қувватини аутоген машқлар орқали созлаши оқибатида улар релаксациясига (дам олишига) имкон яратилган. Натижада у ўз организмнинг ўз-ўзига психофизиологик, рухий, жисмоний, аклий жихатдан куч тўплашига ва зарур вақтда уларни тўла сафарбар қилишига, яъни антропомаксимологиясига эришган. Нафас олиш ритмини бошқариш орқали мурид ўз рухий ҳолатини фаоллаштиришга ёки заруратга кўра пассивлаштиришга ўрганган, у ўз-ўзини рухий ва жисмоний бошқариб, зикр қилинадиган предметни ўзлаштириб, ўз хотирасини ва тафаккурини кучайтирган.



2-расм. Нақшбандия тариқатида таълим-тарбиянинг ўзига хос педагогик технологияси

Ҳозирги замон педагогика ва психология фанлари инсон рухий жараёнларини ўрганиш борасида катор ютуқларга эришди. Мукошафа – тафаккурга чўмиш аутотренингга (ўз-ўзини машқ қилдиришга) асосланади. Нақшбандия тариқати амаллари асосида ҳам нозик психотренинг (рухий машқ) тузилмаси ётади. Ҳозирги вақтда ривожланган психотерапия, психогигиена, аутоген машқлар қонуниятларидан ўтмишда нақшбандия пирлари интуитив тарзда фойдаланиб, тариқат моҳиятини муридга сингдириш усулларини ишлаб чиққанлар, натижада солиқ салбий хислатлардан покланган, ички – қалбий поклик ташқи дунёвий ҳаракатларда ифодаланган (экстериоризацияланган – ташқиға айланган) ва, аксинча, шогирднинг ташқи амаллари унинг ички – маънавий поклигида акс этган

(интериоризацияланган – ичкига айланган), оқибатда мурид ташқи ҳаётий тўсиқларни осонлик билан бартараф қилган: „...ички – руҳий ҳолатдаги поклик, ташқи дунёвий ҳаракатлар билан ҳамоханг бир хил айнанлиги учун ҳам бу унинг ички психологик эркинлигида ифодаланади... Бунда ўз-ўзини бошқариш ва созлаш, ўз-ўзидан рўй берилишига эришилади“²⁸. Нақшбандия тариқати пирлари ўтмишда инсоннинг руҳий олами, организмнинг жисмоний ва табиий – туғма жиҳатларидан фойдаланиб, уни ўзгартириш – тарбиялаш мумкинлигини амалда исботлаб берганлар. Шунинг учун ҳам бу таълимотдан ҳозирги замонда талабаларни ўқитиш ва тарбиялашда фойдаланиш яхши самара беришини тажрибалар кўрсатди.

Ҳозирги замон ёшларининг тасаввуф ҳамда нақшбандия тариқати мазмун-моҳиятини билиши, англаши ва уни амалда қўллаши бўйича диссертациянинг „Қириш“ қисмида кўрсатилган олий таълим муассасалари талабалари ва ўқитувчи, гуруҳ раҳбарлари билан тадқиқотлар олиб бордик. Тадқиқотларда 78 ўқитувчи, гуруҳ раҳбарларини суҳбат, анкета методи билан ўргандик. Ўқитувчи, гуруҳ раҳбарларининг тасаввуф ва нақшбандия тариқати ҳақидаги билимлари, тушунчалари ва уларни амалиётда қўллаши қўлами ўзгаришининг кўрсаткичи диссертация матнида умумлаштирилди. Ўқитувчи, гуруҳ раҳбарларининг жавобларини талабалар жавоби билан қиёсласак уларнинг жавоблари чуқур ва асосли, амалиётга боғлаб ифодаланганлиги кўзга ташланади: улар тасаввуф ҳамда нақшбандия тариқатидан хабардорлар, Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳига ўз руҳий-маънавий эҳтиёжлари сабабли боришларини, устоз-шогирд ҳақидаги нақшбандия тариқатининг айрим қарашларини билишларини, тариқатни бидъатдан фарқ қила олишларини ёзганлар, мазкур тариқат бошқа тариқатларга қараганда реал ҳаётга яқинлиги, унинг „Даст ба кору дил ба Ёр“ шиорига ўзлари ҳам ҳаётда амал қилишларини эътироф этганлар. Улар тасаввуф ва нақшбандия тариқати ҳақида даврий матбуотдан („Ҳидоят“ журналидан), телекўрсатувлардан („Ҳидоят сари“дан) ҳамда Интернет орали мустақил ўқиб-ўрганишларини ёзганлар. Ўқитувчи, гуруҳ раҳбарларининг тасаввуф ва нақшбандия тариқатининг мазмун-моҳиятини билишлари, тушунишлари ва уни амалда қўллашлари талабаларнинг шу тўғридаги кўрсаткичлари қўламидан юқорилиги билинди.

Талабалар билан тасаввуф ҳамда нақшбандия тариқати, унинг рашҳаларини билиш, тушуниш ва уни амалда қўллаш бўйича педагогик кузатиш, суҳбат, савол-жавоб, анкета ва тажриба-синов ишлари олиб бордик. Берилган анкета саволларига талабаларнинг кўпчилиги – 73%и тасаввуф ва нақшбандия таълимоти ҳақидаги илк маълумотларни ўзбек адабиёти, „Диншунослик“, „Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари“, „Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари“, „Педагогика тарихи“, „Ўзбекистон тарихи“ фанлари ва „Мустақиллик дарси“ орқали ҳамда телекўрсатувлардан, Интернет орқали олганликларини эътироф этганлар. Улар Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳига ўқишга кириш ва орзулари ушалиши учун, кўпинча пиёда борганликларини, бунда савоб кўпроқ бўлишини ёзганлар. Улар ҳаётда Баҳоуддин Нақшбанднинг „Даст ба кору дил ба Ёр“ шиорига амал қилиб

²⁸ Қосимов У.А. Хожа Абдулхолик Ғиждувоний хожагон мактаби нақшбандия таълимоти рашҳаларининг психологик жиҳатлари. – Бухоро: Бухоро нашриёти. 2002. – 58 б., 45-б.


яшашларини, эътироф этганлар. Талабаларнинг 27%и тариқат ва бидъатни фарқламай эътиқод қилишлари аниқланди. Улар қуриб қулаган тут дарахтидан парча кўчириб, ундан тумор қилишларини, дарахтга мато боғлашларини, дарахт тагидан уч марта эмаклаб ўтишлари орзулари ушалишига ёрдам беришини ёзганлар. Бундан талабаларнинг тасаввуф таълимоти ҳамда нақшбандия тариқати қоидаларини етарлича билмасликлари, тушунмасликлари ва тариқатни бидъатдан фарқлаёлмасликлари аён бўлди. Тажриба-синов натижалари таҳлил қилинди ва уларга математик-статистик ишлов берилди (қаранг: 1-жадвал).

1-жадвал

Талабаларнинг тасаввуф ҳамда нақшбандия тариқатининг мазмун-моҳиятини билиши, англаши ва унга амал қилиши бўйича кўрсаткичи

Гуруҳлар	Талабалар сони	Жавоблар сони		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба	275	98	138	39
Назорат	278	76	89	113

Бу танланмаларга мос келган диаграммани чизамиз (қаранг: 3-расм).



3-расм. Тажриба-синовдан кейинги тажриба ва назорат гуруҳларидаги умумий кўрсаткичлар диаграммаси

Олинган маълумотлар Стьюдент-Фишер критерияси (мезони) бўйича математик-статистик таҳлил қилинди:

$\bar{X}$	$\bar{Y}$	D_m	D_n	Δ_m	Δ_n
4,2	3,9	0,45	0,67	0,05	0,07

Таҳлил натижасида математик кутилиш, яъни тажриба ва назорат гуруҳларида ўрта ўзлаштириш коэффициентлари $\bar{X}=4,2$; $\bar{Y}=3,9$; тажриба ва назорат гуруҳларидаги танланма дисперсиялари $D_m=0,45$; $D_n=0,67$; тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўртача квадратик четланишлар $\Delta_m=0,05$; $\Delta_n=0,07$; га тенглиги аниқланди.

Бундан натижаларнинг тажрибадан олдинги ва кейинги кўрсаткичлари учун ишончли интерваллари топилди:

$$\bar{X} - t_{\gamma} \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_{\gamma} \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}} \quad \bar{Y} - t_{\gamma} \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_{\gamma} \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}}$$

$$4,2 - 0,05 \leq a_x \leq 4,2 + 0,05$$

$$3,9 - 0,07 \leq a_y \leq 3,9 + 0,07$$

$$4,15 \leq a_x \leq 4,25$$

$$3,83 \leq a_y \leq 3,97$$

Буни геометрик тасвирласак, қуйидагича бўлади:



Шундай қилиб, тажриба-синов ишларининг натижаларига кўра ўтказилган тажрибанинг ҳаққонийлиги аниқланди. Юқоридаги натижаларга асосланиб, тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз:

Бизга маълум: $\bar{X}=4,2$; $\bar{Y}=3,9$; $\Delta_m=0,05$; $\Delta_n=0,07$; га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{ycb} = \frac{(\bar{X} - \Delta_m)}{(\bar{Y} + \Delta_n)} = \frac{4,2 - 0,05}{3,9 + 0,07} = \frac{4,15}{3,97} = 1,05 > 1; \quad \text{ва}$$

$$K_{oob} = (\bar{X} - \Delta_m) - (\bar{Y} - \Delta_n) = (4,2 - 0,05) - (3,9 - 0,07) = 4,15 - 3,83 = 0,32 > 0; \quad \text{бўлди.}$$

Олинган натижаларга кўра K_{ycb} – ўқитиш самарадорлигининг баҳолаш мезони бирдан катталиги ва K_{oob} – билиш даражасининг баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин.

Шундай қилиб, тажриба гуруҳларида тажрибадан кейинги кўрсаткич тажрибадан олдинги кўрсаткичдан ҳамда назорат гуруҳларига нисбатан ҳам самарадор бўлди. Демак, нақшбандия тариқатида таълим-тарбиянинг ўзига хос педагогик технологияси бўйича ўтказилган педагогик тажриба-синов ишларининг самарадорлиги аниқланди.

ХУЛОСА

1. Нақшбандия тариқати халқчил ва умуминсоний ҳарактерга эга. Имон-эътиқод ва шу асосда шаклланган ахлоқий-маънавий фазилатлар: эзгулик, поклик, ҳалол меҳнат қилиб, ҳалол ризқ топиш, комил инсонни тарбиялаш ғояси мазкур тариқатнинг моҳиятини ташкил этади ва шу афзалликлари билан бошқа тариқатлардан фарқ қилади.

2. Нақшбандия тариқатида кишиларни эзгулик, имон-эътиқод руҳида тарбиялашда таъсирчан технология – сўз санъати ҳисобланади. Сўз орқали (лисоний) таъсир қилиш муридни тарбиялашнинг кучли воситаси, уларга тариқатни ўргатиш технологияси ҳамдир.

3. Нақшбандия тариқатининг ўзига хос педагогик технологиясини: тариқат рашҳалари, суҳбат, хуфия зикри, сўз орқали (лисоний) таъсир қилиш ҳамда шахснинг зоҳирий ва ботиний томонларини тарбиялаш усуллари ташкил қилади. Булар орқали ёшларда миллий ғурур, ҳалоллик, ахлоқий поклик, меҳнатсеварлик, вафодорлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, самимийлик, камтарлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибатлилиқ, имон-эътиқодлилиқ каби ижобий сифатларни тарбиялашга эришилади.

4. Нақшбандия тариқатида муридни тарбиялашнинг асосий воситаларидан бири ўз-ўзини тарбиялашдир. Бунда тарбиянинг объекти ҳам субъекти ҳам инсоннинг ўзи бўлиб, шахс ўз имон-эътиқоди асосида ўз-ўзини муттасил

такомиллаштиради, оқибатда комилликка эришади. Бунда хуфий зикри ҳамда шогирднинг ўз-ўзини зоҳирий ва ботиний томонларини тарбиялаш усулларидаги роли катта.

5. Нақшбандия тариқатининг рашҳалари, „аврод“лари ва „вирд“ларини алгоритмик такрорлаш орқали мурид тариқат асосларини эгаллайди. Устоз ўзининг шахсий-ахлоқий фазилатлари билан муридга ижобий таъсир кўрсатиб, хуфий зикри, суҳбат, башорат, каромат орқали шогирдни ўзига ром қилади ҳамда шу йўл билан уни комилликка етаклайди.

6. Хуфий зикри ва суҳбат нақшбандия тариқатида таълим ва тарбиянинг асосий усулларидадир. Булар ёрдамида тариқат қоидалари инсонга сингдирилган.

7. Нақшбандия тариқатини муридга ўргатишда унинг зоҳирий ва ботиний томонларини тарбиялаш усулларида фойдаланиш шогирднинг устоз даражасига кўтарилишини таъминлайди.

8. Нақшбандия тариқати пирлари ўтмишда муридни тарбиялашда ўша давр фанида маълум бўлмаган, аммо ҳозирги замон фани кашф қилган педагогик-психологик тренинглари, тафаккурнинг медитация (муқошафа) усулларида ўз амалиётларида интуитив тарзда фойдаланганлар.

9. Нақшбандия тариқатининг ўзига хос педагогик технологиялари ва уларнинг усули ҳамда воситаларини ҳозирги давр шароитига мослаштириб, шогирд таълим-тарбиясига қўлланса, ёшларни комил инсон қилиб шакллантириш самарадор бўлишини тажриба-синов ишлари кўрсатди.

ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

1. Нақшбандия тариқати ва унинг рашҳалари, хуфий зикри ва суҳбат, шахсга зоҳирий ва ботиний таъсир қилишнинг тарбиявий усулларида фойдаланиш бўйича педагоглар билан малака ошириш институти ходимлари ўзаро ҳамкорликда дастур ишлаб чиқиши ва шу бўйича ўқитувчи, гуруҳ раҳбарларини ўқитиши ҳамда унга соат ажратилиши лозим.

2. Ўқитувчи, гуруҳ раҳбарларига мўлжаллаб нақшбандия тариқати ва унинг рашҳалари, хуфий зикри ва суҳбат, талабаларнинг зоҳирий ва ботиний томонларига тарбиявий таъсир қилиш усуллари мустақил ўқиш-ўрганишлари учун қўлланмалар chop қилиш.

3. Олий ўқув юрти талабаларига ўзбек адабиёти, „Диншунослик“, „Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари“, „Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари“, „Педагогика тарихи“, „Ўзбекистон тарихи“, „Тасаввуф тарихи“ фанлари ва „Мустақиллик дарси“ ҳамда гуруҳ раҳбарининг тарбиявий соатларида нақшбандия тариқати рашҳалари, хуфий зикри ва суҳбат бўйича маълумотлар бериш.

4. Ўқитувчилар тайёрлайдиган олий ўқув юртларида талабаларга фалсафа, психология, педагогика фанларини, хусусан, „Педагогика тарихи“ курсини ўқитганда тасаввуф тариқатлари, нақшбандия тариқати ва унинг рашҳалари, ўзига хос педагогик технологияларини кенгроқ ўргатиш учун махсус курслар ташкил қилиш.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Зарипова Г.К. Миллий меросимиздаги педагогик технологияга оид ғоялардан фойдаланиш. // Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2005. – №1. – Б. 35-40.
2. Зарипова Г.К. Иқтисодиёт фанларини ўқитишда мумтоз меросимиз педагогик технологияларидан фойдаланиш. // Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Бухоро: Бухоро Иқтисодиёт ва банк коллежи. 2006. – Б. 60-61.
3. Зарипова Г.К. Баҳовуддин Нақшбанд таълимотида тарбиянинг ўзига хос технологияси. // Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Бухоро: Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технология институти. 2006. – Б. 221-222.
4. Зарипова Г.К. Абу Али ибн Сино таълимотида таълим-тарбиянинг ўзига хос технологияси. // „Таълим муассасалари тизимида ўқувчи ва талабалар шахсини ривожлантиришнинг долзарб психологик-педагогик муаммолари“ мавзусидаги республика назарий ва илмий-амалий конференцияси материаллари. – Бухоро: Бухоро давлат университети. 2006. – Б. 92-94.
5. Зарипова Г.К. Агарки, бу зотни авлиё десак... (Баҳовуддин Нақшбанд таълимоти асосида). // Бошланғич таълим. – Тошкент, 2007. – №1. – Б. 6-7.
6. Зарипова Г., Норова Ш. Имом Ғаззолий илм ўргатиш-ўрганиш технологияси ва мураббийлик муносабатлари ҳақида. // Педагогик маҳорат. – Бухоро, 2007. – №1. – Б. 24-26.
7. Зарипова Г. Янги педагогик технологияларнинг интерфаол усуллари. // Педагогик маҳорат. – Бухоро, 2007. – №3. – Б. 17-20.
8. Зарипова Г.К. Нақшбандия тариқатида инсон камолоти технологияси. // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. – Тошкент, 2007. – №4. – Б. 79-82.
9. Зарипова Г.К. Нақшбандия тариқатида таълим-тарбиянинг ўзига хос педагогик усуллари. – Тошкент: Фан, 2008. – 116 б.
10. Зарипова Г.К. Нақшбандия тариқати рашҳаларининг талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашдаги ўрни. // „Олий ўқув юрти талабалар гуруҳларида маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил қилиш муаммолари“ мавзусидаги республика илмий-назарий ва амалий конференцияси материаллари. – Бухоро: Бухоро давлат университети. 27-28 май, 2008. – Б. 117-120.
11. Зарипова Г.К. Нақшбандия тариқати рашҳалари – таълим ва тарбиянинг ўзига хос технологияси сифатида. // Халқ таълими. – Тошкент, 2008. – №3. – Б. 139-141.
12. Зарипова Г.К. Талабалар маънавий-ахлоқий тарбиясида нақшбандия тариқатидан фойдаланиш. // „Маҳаллаларда болаларнинг жисмоний тарбияси ва хотин-қизларни спортга жалб қилиш: муаммолар, ечимлар ва истиқболлар“ мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари 2008 йил 16-17 декабр. – Бухоро: Бухоро давлат университети. 2008. – Б. 212-213.
13. Зарипова Г.К., Исмоилова М.Н. Янги педагогик технологияларнинг интерфаол усуллари. – Бухоро: “ТурРизо”, 2008. – 44 б.
14. Зарипова Г., Холматова М. Нақшбандия тариқатида устоз-шогирд муносабатлари. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2008. – №2. – Б. 117-119.
15. Зарипова Г.К. Олий таълим тизимида нақшбандия тариқатини ёшларга ўргатиш технологияси. // Педагогик маҳорат. – Бухоро, 2009. – №1. – Б. 34-36.

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Зарипова Гулбаҳор Комиловнанинг 13.00.01 – Умумий педагогика, педагогика ва таълим тарихи ихтисослиги бўйича „Нақшбандия тариқатида таълим-тарбиянинг ўзига хос педагогик технологияси“ мавзусидаги диссертациясининг

Р Е З Ю М Е С И

Таянч сўзлар: мустақиллик, мумтоз мерос, миллий қадриятлар, тасаввуф, тариқат (сулук, йўл), комил инсон тарбияси, илм ўрганиш ва ўргатиш технологияси – педагогик технология, инсон камолоти, рашҳалар, зикр, суҳбат, пир-мурид (муршид-солик), зоҳирий ва ботиний поклик, усул ва воситалар, мукошафа-медитация, педагогик тренинг.

Тадқиқот объекти: нақшбандия тариқати.

Тадқиқотнинг мақсади: нақшбандия тариқатининг ўзига хос педагогик технологияларини тадқиқ қилиш, ундаги таъсирчан усул ва воситаларни аниқлаш ҳамда уларни ҳозирги замон ёшлар таълим-тарбиясида қўллаш асосида илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари: тадқиқот мавзусига оид фалсафий, психологик, педагогик адабиётларни ўрганиш, таҳлил қилиш; талаба, ўқитувчиларни педагогик кузатиш ва улар билан суҳбат, сўровнома (анкета), тажриба-синов ишлари ўтказиш; олинган натижаларни математик-статистик таҳлил қилиш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: тадқиқотда нақшбандия тариқатининг ўзига хос педагогик технологияси аниқланди, уни ўрганиш долзарб педагогик муаммо эканлиги назарий-амалий асосланди; мазкур таълимотни ҳозирги замонда педагогик технология тарзида қўллаш имконияти кўрсатилди; тариқатнинг баркамол инсонни босқичма-босқич шакллантириш жиҳатлари очилди; нақшбандия тариқатининг усул ва воситалари аниқланди; уларни амалда жорий қилишнинг самарадорлиги кўрсатилди; ўтказилган тажриба-синов ишлари асосида ўқитувчилар учун тавсиялар ишлаб чиқилди, илмий-усулий қўлланма яратилди.

Амалий аҳамияти: Баҳоуддин Нақшбанд тариқатини амалда тадбиқ қилиш томонлари очилганлиги, бу таълимотдан маърузалар, амалий машғулотлар ва суҳбатларда фойдаланилганлиги; мазкур мавзу бўйича мақолалар, тезислар, қўлланмалар тузилганлиги ва тариқат рашҳалари, технологияларидан ҳозирги замон шахсини ўрганиш ҳамда уни тарбиялашда қўллашнинг усул-воситалари аниқланганлиги ва уларни амалиётда қўлланганлиги.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: нақшбандия тариқати, унинг педагогик технологиялари бўйича дастурлар, қўлланмалар ёзиш; мазкур технологияларни олий ўқув юртлари талабаларини мукамал шахс сифатида шакллантиришда қўлланилса тажриба-синов ишларида кўрсатилганидек, комил инсонни таркиб топтириш жараёни янада тезлашиб, унинг самарадорлиги анча юқори бўлади.

Қўлланиш соҳаси: олий ўқув юртлари талабалари, устозлари; касб-хунар коллежлари, академик лицей ўқувчи ва ўқитувчиларининг таълим-тарбия жараёнида.

Р Е З Ю М Е

диссертации Зариповой Гулбахор Комиловны на тему: „Своеобразие педагогической технологии обучения и воспитания в тарикате накшбандия“ на соискание учебной степени кандидата педагогических наук по специальности 13.00.01 – Общая педагогика, история педагогики и образования.

Ключевые слова: независимость, национальное наследие, национальные ценности, тарикат (пути), воспитание совершенного человека, технология изучения, преподавания науки, педагогическая технология, совершенство человека, каноны, радение, беседа, наставничество, внешняя и внутренняя чистота, методы и способы, внутренний настрой – медитация, педагогический тренинг.

Объект исследования: тарикат накшбандия.

Цель исследования: исследование своеобразия педагогической технологии и воспитания в тарикате накшбандия, определение эффективных методов и способов его технологий, а также применение их в образовании и воспитании современной молодежи.

Методы исследования: изучения и анализ философской, психологической, педагогической литературы, касающейся темы исследования; педагогическое наблюдение студентов и преподавателей, а также проведение с ними беседы, анкетирования, опытно-экспериментальной работы; использование математико-статистического метода для анализа полученных результатов.

Полученные результаты и их новизна: в исследовании определено своеобразие педагогической технологии пути накшбандия, дано теоретическое и практическое обоснование актуальности ее изучения как педагогической проблемы; показаны возможности применения данного образования в виде современной педагогической технологии; раскрыты специфические особенности тариката при поэтапном формировании современного человека; определены методы и способы тариката накшбандия; указаны преимущества применения их на практике; на основе проведенной опытно-экспериментальной работы, выработаны рекомендации для преподавателей, создано научно-методическое пособие.

Практическая значимость: использование учения Багоуддина Накшбанди при проведении бесед, лекций и практических занятий; публикация по данной теме статей, тезисов, пособий, а также применение на практике методов и способов использования канонов, технологий тариката при изучении современной личности.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования могут быть использованы при разработке программ, пособий по тарикату накшбандия, его педагогическим технологиям; данные технологии могут быть внедрены в учебный процесс при формировании студентов высшей школы в качестве совершенного человека. Как показано в опытно-экспериментальных работах, ускоряется процесс совершенствования личности, повышается эффективность данного процесса.

Область применения: в учебно-воспитательной деятельности студентов, преподавателей высших учебных заведений, а также в учебном процессе профессиональных колледжей и академических лицеев.

R E S U M E

Thesis of Zaripova Gulbahor Komilovna on the academic degree competition of the candidate of pedagogical science on speciality 13.00.01 – General pedagogics, history of pedagogics and education, subject: „The specific pedagogic technology of teaching and upbringing in nakshbandiya tarikat“.

Key words: independence, national heritage and values, way (tarikat), bringing up a perfect man, technology of studying and teaching science, pedagogical technology, perfection of a man, canons, internal speech (zikr), conversation, outer and inner purity, methods and ways, inner mood – meditation, pedagogical training.

The object of the research: the way (tarikat) of naqshbandiya.

The aim of investigation: to investigate specific pedagogical technologies of the way of naqshbandiya; to define touching methods and means of the way; to work out scientific methodological references for using in educational upbringing of contemporary youth.

Methods of investigation: analysis of philosophical, psychological, pedagogical literature regarding the theme of investigation, pedagogical observation of students and teachers; carrying out talks; questionnaire, experiment-tests and mathematic-statistic analysis of results.

The results achieved and their novelty: while investigating specific pedagogical technologies of the way are defined, it is proved theoretically and practically that the study of the way is crucial pedagogical problem; possibility of using the doctrine as pedagogical technology is displayed; opened features of step by step formation of ideal human in the way of naqshbandiya; the means and methods of the way naqshbandiya is clarified; it is indicated that the use of them in practice is proved to be fruitful; worked out experiment -test based recommendations for teachers, and published scientific-methodological manual.

Practical value: revealing the ways of practical applying Bagouddin Naksband's way, using the studies in the process of lecturing, practicing and talking; on the given theme articles, theses, manuals are issued; definition of methods and ways of application canons, technology of tarikat in the process of study a modern person and their application in practice.

Degree of embed and economical effectivity: the results of the research can be used in the process of development of the programs, manuals on nakshbandiya tarikat and his pedagogical technologies in formation of a students of higher schools as the perfect man. As shown in experimental-test works the process of improvement of the person is accelerated and the efficiency of this process raises.

Sphere of usage: the materials and developed methods can be used in the process of educating the students and teachers of high schools, professional colleges and academic lyceums.

Босишга рухсат этилди	07.11.2009 й.
Қоғоз бичими	60x84 ^{1/16}
Ҳажми	1,5 б.т.
Адади	100 нусха
Буюртма	№ 81

Низомий номидаги ТДПУ Ризографида чоп этилди.
Манзил: 100070, Тошкент, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.

